

HISTORICAL ANALYSIS OF THE STUDY OF THE ARTISTIC LANGUAGE IN TURKISH LINGUISTICS

G. Karlybayeva

Doctor of Philology (DSc), Professor,
Berdakh Karakalpak State University.

D. Moyatdinova

Student of Berdakh Karakalpak State University

Abstract

This article analyzes the stages of the formation and development of artistic language studies in Turkic linguistics from a historiographical perspective. Scientific research devoted to the language of literary monuments of the Turkic peoples is systematized, and its main directions and research methods are examined. A comparative analysis is conducted of the scholarly approaches that emerged in the study of the language of literary works, from ancient Turkic written monuments to contemporary Karakalpak linguistics. The paper also provides a historiographical assessment of studies devoted to the language of classical Karakalpak poets and zhiraus, including Berdakh, Ajiniyaz, Kunhoja, and Zhiyen Zhyrau. The findings indicate that the early stage of artistic language research in Turkic linguistics primarily focused on grammatical and lexical features, whereas later studies increasingly emphasized text linguistics, linguopoetics, and cognitive analysis. The article identifies the principal stages of this scholarly evolution and outlines the prospects for the further development of artistic language studies in Karakalpak linguistics.

Keywords: Turkic linguistics, Karakalpak literary language, artistic language, historiography, linguopoetics, history of language, literary text, classical literature.

Introduction

ТУРКИЙ ТИЛШУНОСЛИКДА БАДИЙ ТИЛНИ ЎРГАНИШНИНГ ТАРИХШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ

Г. Карлыбаева

филология фанлари доктори (DSc), профессор,
Бердақ номидаги Қарақалпақ давлат университети.

Д. Моятдинова

Бердақ номидаги Қарақалпақ давлат университети талабаси

Аннотация

Мазкур мақолада туркий тилшуносликда бадиий тилни ўрганишнинг шаклланиш ва тараққиёт босқичлари тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Туркий халқлар тилшунослигида адабий ёдгорликлар тилини тадқиқ этишга бағишланган илмий ишлар тизимлаштирилиб, уларнинг асосий йўналишлари ва тадқиқот методлари



ёритилган. Қадимги туркий ёзма ёдгорликлардан тортиб, ҳозирги қорақалпоқ тилшунослигигача бўлган даврда бадиий асар тилини ўрганиш жараёнида юзага келган илмий қарашлар қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, қорақалпоқ тилшунослигида Бердақ, Ажиниёз, Кунхўжа, Жийен жирова каби мумтоз ижодкорлар тилини ўрганиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар тарихшунослик жиҳатидан баҳоланган. Тадқиқот натижалари туркий тилларда бадиий тилни ўрганиш соҳасида дастлаб грамматик ва лексик хусусиятларга устувор аҳамият берилган бўлса, кейинги босқичларда матншунослик, лингвопоэтика ҳамда когнитив таҳлил йўналишлари етакчи ўринни эгаллаганини кўрсатди. Мақолада ушбу илмий эволюциянинг асосий босқичлари аниқланиб, қорақалпоқ тилшунослигида бадиий тил тадқиқотларининг келгуси ривожланиш истиқболлари белгилаб берилган.

Калит сўзлар: туркий тилшунослик, қорақалпоқ адабий тили, бадиий тил, тарихшунослик, лингвопоэтика, тил тарихи, адабий матн, мумтоз адабиёт.

Аннотация

В статье с историографической точки зрения проанализированы этапы становления и развития исследований художественного языка в тюркском языкознании. Систематизированы научные труды, посвящённые изучению языка литературных памятников тюркских народов, раскрыты их основные направления и методы исследования. Проведён сравнительный анализ научных взглядов, сформировавшихся в процессе изучения языка художественных произведений, начиная с древнетюркских письменных памятников и заканчивая современным каракалпакским языкознанием. Кроме того, с историографических позиций рассмотрены исследования, посвящённые языку классических каракалпакских поэтов и жырау — Бердаха, Ажинияза, Кунходжи, Жиена-жырау и других. Результаты исследования показали, что на начальном этапе изучения художественного языка в тюркских языках основное внимание уделялось грамматическим и лексическим особенностям, тогда как на последующих этапах ведущими направлениями стали текстология, лингвопоэтика и когнитивный анализ. В статье определены основные этапы данной научной эволюции и обозначены перспективы дальнейшего развития исследований художественного языка в каракалпакском языкознании.

Ключевые слова: тюркское языкознание, каракалпакский литературный язык, художественный язык, историография, лингвопоэтика, история языка, художественный текст, классическая литература.

Abstract

This article analyzes the stages of the formation and development of artistic language studies in Turkic linguistics from a historiographical perspective. Scientific research devoted to the language of literary monuments of the Turkic peoples is systematized, and its main directions and research methods are examined. A comparative analysis is conducted of the scholarly approaches that emerged in the study of the language of literary works, from ancient Turkic



written monuments to contemporary Karakalpak linguistics. The paper also provides a historiographical assessment of studies devoted to the language of classical Karakalpak poets and *zhyraus*, including Berdakh, Ajiniyaz, Kunhoja, and Zhiyen Zhyrau. The findings indicate that the early stage of artistic language research in Turkic linguistics primarily focused on grammatical and lexical features, whereas later studies increasingly emphasized text linguistics, linguopoetics, and cognitive analysis. The article identifies the principal stages of this scholarly evolution and outlines the prospects for the further development of artistic language studies in Karakalpak linguistics.

Keywords:

Turkic linguistics, Karakalpak literary language, artistic language, historiography, linguopoetics, history of language, literary text, classical literature.

Кириш

Туркий тилшуносликда бадий асар тилини ўрганиш тил тарихи, адабий тил тараққиёти ҳамда миллий маданиятни англашнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Адабий тил халқ тилининг энг такомиллашган кўриниши бўлиб, унинг бойиши, меъёрлашиши ва ривожланишида бадий адабиёт намояндаларининг ўрни бекиёсдир. Шу боис ҳар бир халқ адабий тили тарихини ёритишда мумтоз ижодкорлар асарлари тилини ўрганиш муҳим илмий манба вазифасини бажаради.

Туркий тилшуносликда мазкур йўналиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб изчил шакллана бошлади. Дастлабки тадқиқотлар қадимги туркий ёзма ёдгорликларнинг фонетик, морфологик ва лексик хусусиятларини тавсифлашга қаратилган бўлса, кейинчалик эътибор адабий матннинг услубий, поэтик ва лингвомаданий хусусиятларини тадқиқ этишга қаратила бошлади. Натижада бадий матнни яхлит тил тизими сифатида ўрганишга асосланган янги илмий ёндашувлар шаклланди.

Қорақалпоқ тилшунослигида ҳам бадий тил масалаларини илмий ўрганиш XX асрнинг иккинчи ярмида жадал ривожланди. Айниқса, Жийен жиров, Кунхўжа, Ажиниёз, Бердак ва бошқа мумтоз шоирлар асарлари тилига бағишланган тадқиқотлар қорақалпоқ адабий тили тарихи, унинг лексик таркиби, грамматик қурилиши ва услубий имкониятларини ёритишда муҳим аҳамият касб этди. Кейинги йилларда ушбу тадқиқотлар лингвопоэтика, матн тилшунослиги ҳамда когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам бойитилди.

Шу муносабат билан туркий тилшуносликда бадий тилни ўрганиш тарихи, унинг асосий босқичлари ва шаклланган илмий мактабларни тарихшунослик нуқтаи назаридан умумлаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур мақоланинг мақсади туркий тилшуносликда бадий тилни тадқиқ этишнинг ривожланиш босқичларини тизимли таҳлил қилиш ҳамда қорақалпоқ тилшунослигида бу соҳада эришилган илмий натижаларни баҳолашдан иборат.

Материаллар ва тадқиқот методлари

Тадқиқотда туркий тилшуносликда бадий тилни ўрганишга бағишланган илмий адабиётлар тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинди. Илмий манбаларни танлашда уларнинг туркий тиллар адабий тили тарихи ва бадий матн тилини тадқиқ



этишдаги аҳамияти асосий мезон сифатида қабул қилинди. Таҳлилга қадимги туркий ёзма ёдгорликлар, чиғатой адабий тили, ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ тилшунослигида амалга оширилган фундаментал тадқиқотлар жалб этилди.

Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий, тарихшунослик, тавсифий ҳамда қиёсий-таҳлилий методлардан фойдаланилди. Аввало, туркий тилшуносликда бадиий тилга оид илмий изланишлар хронологик жиҳатдан тизимлаштирилди. Кейин эса турли даврларда қўлланилган тадқиқот усуллари ўзаро қиёсланиб, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланди. Шунингдек, қорақалпоқ тилшунослигида бадиий асар тилини ўрганиш бўйича шаклланиган илмий мактабнинг ривожланиш босқичлари таҳлил қилинди.

Натижалар ва муҳокама

Туркий тилшуносликда бадиий тилни ўрганишнинг асосий босқичлари

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, туркий тилшуносликда бадиий тилни илмий жиҳатдан ўрганиш бир неча босқичларда шаклланиган. Илк босқичда асосий эътибор қадимги туркий ёзма ёдгорликларни ўқиш, уларнинг фонетик, морфологик ва лексик хусусиятларини тавсифлашга қаратилган. Бу даврда Орхон–Енисей битиклари, «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк», «Ҳибат ул-ҳақойиқ», «Девони ҳикмат» каби ёдгорликларнинг тили кенг тадқиқ этилди.

Кейинги босқичда тадқиқотлар фақат тил бирликларини тавсифлаш билан чекланиб қолмай, бадиий асар тилининг услубий хусусиятларини ўрганишга йўналтирилди. Айниқса, ўзбек тилшунослигида Алишер Навоий асарлари тилини тадқиқ этиш орқали чиғатой адабий тилининг меъёрлари, лексик бойлиги ва услубий имкониятлари илмий жиҳатдан асослаб берилди. Кейинчалик жаҳид адабиёти ва замонавий ўзбек адабиёти тили ҳам лингвистик таҳлил объектига айланди. Шу даврда лингвопоэтика йўналишининг шаклланиши бадиий матнни яхлит эстетик тизим сифатида таҳлил қилиш имконини берди.

Қозоқ тилшунослигида эса Абай Қунанбаев асарлари тилини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Р. Сиздиқова ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида Абай тилининг фонетик, лексик ва синтактик хусусиятлари илмий жиҳатдан ёритилиб, унинг замонавий қозоқ адабий тили шаклланишидаги ўрни асослаб берилди.

Қорақалпоқ тилшунослигида мазкур йўналиш XX асрнинг иккинчи ярмида жадал ривожлана бошлади. Э. Бердимуратов, Д. Саитов, Д. Насиров, О. Доспанов, А. Бекбергенов каби олимларнинг тадқиқотлари қорақалпоқ мумтоз адабиёти тилини ўрганишнинг назарий асосларини яратди. Улар Жийен жиров, Кунхўжа, Бердақ, Ажиниёз каби шоирлар асарларининг фонетик, морфологик, лексик ва услубий хусусиятларини таҳлил қилиш орқали қорақалпоқ адабий тили тарихини ёритишга муҳим ҳисса қўшдилар.

Муҳокама

Таҳлил натижалари туркий тилшуносликда бадиий тилни ўрганиш йўналиши босқичма-босқич ривожланганини кўрсатади. Дастлабки тадқиқотларда асосий эътибор тилнинг ички тузилиши, грамматик шакллари ва луғавий таркибини тавсифлашга қаратилган бўлса, кейинги даврларда бадиий матнни яхлит коммуникатив ва эстетик тизим сифатида



ўрганишга ўтилди. Бу эса замонавий тилшуносликнинг антропоцентрик йўналишлари билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланганлигини кўрсатади.

Қорақалпоқ тилшунослигида ҳам бадиий тил тадқиқотлари бир неча босқичларни босиб ўтган. Илк тадқиқотларда асосан мумтоз шоирлар асарларидаги лексик ва грамматик хусусиятларни аниқлашга эътибор қаратилган бўлса, кейинчалик уларнинг услубий маҳорати, образ яратиш воситалари, халқ тили элементларидан фойдаланиш даражаси ва миллий тафаккурнинг тилдаги ифодаси ҳам тадқиқот объектига айланди. Бу жараён қорақалпоқ адабий тилининг тарихий тараққиётини янада тўлиқроқ ёритиш имконини берди.

Айниқса, Бердақ ижоди тилшунослик нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга. Унинг асарларида халқ оғзаки ижоди элементлари, тарихий лексика, диалектал birlikлар ва миллий маданиятга оид реалиялар кенг қўлланган. Шунинг учун ҳам Бердақ тилини ўрганиш нафақат бир ижодкор услубини, балки XIX аср қорақалпоқ адабий тилининг шаклланиш хусусиятларини ҳам ёритиш имконини беради. Худди шу ҳолат Ажиниёз, Кунхўжа ва Жийен жиров ижодига ҳам хос бўлиб, уларнинг асарлари қорақалпоқ тили тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни ҳам кўрсатдики, туркий тилшуносликда кейинги йилларда лингвопоэтика, матн тилшунослиги, когнитив тилшунослик ва лингвомаданиятшунослик йўналишлари фаол ривожланмоқда. Бу йўналишларда бадиий матн фақат тил birlikлари йиғиндиси сифатида эмас, балки миллий маданият, тарихий хотира ва этник дунёқарашни ўзида мужассамлаштирган мураккаб тизим сифатида талқин қилинмоқда. Шу нуқтаи назардан қорақалпоқ тилшунослигида ҳам бадиий матнни концептуал, прагматик ва когнитив ёндашувлар асосида тадқиқ этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, қорақалпоқ тилшунослигида бадиий тил бўйича тўпланган илмий мерос етарлича бой бўлса-да, ушбу тадқиқотларни умумлаштирувчи ва уларнинг илмий эволюциясини яхлит ёритувчи ишлар ҳали кам учрайди. Аксарият тадқиқотлар муайян шоир ёки асар тилини таҳлил қилиш билан чекланган. Бу эса соҳада амалга оширилган изланишларни тарихшунослик нуқтаи назаридан тизимлаштириш заруратини кўрсатади.

Мазкур тадқиқот натижалари шуни тасдиқлайдики, туркий тилшуносликда бадиий тилни ўрганишнинг кейинги тараққиёти анъанавий тавсифий ёндашувларни замонавий лингвистик методлар билан уйғунлаштиришга боғлиқ. Айниқса, рақамли корпуслардан фойдаланиш, электрон матнлар базасини яратиш, когнитив таҳлил ва корпус тилшунослиги усуллари қўллаш қорақалпоқ адабий тили тарихини янада чуқурроқ тадқиқ қилиш имкониятини яратади.

Хулоса

Тадқиқот натижаларига кўра, туркий тилшуносликда бадиий тилни ўрганиш узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтгани аниқланди. Илк босқичларда асосан фонетик, морфологик ва лексик хусусиятларни тавсифлаш устувор бўлган бўлса, кейинги босқичларда услубшунослик, лингвопоэтика, матн тилшунослиги ва когнитив ёндашувлар асосий тадқиқот йўналишига айланган.

Қорақалпоқ тилшунослигида ҳам бадиий тилни ўрганиш соҳасида салмоқли илмий



мактаб шаклланган. Бердак, Ажиниёз, Кунхўжа, Жийен жиров ва бошқа мумтоз ижодкорлар асарлари тилига бағишланган тадқиқотлар қорақалпоқ адабий тили тарихи, миллий услуб ва халқнинг лингвомаданий хусусиятларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, тарихшунослик таҳлили ушбу соҳадаги илмий ишларни замонавий лингвистиканинг янги йўналишлари асосида давом эттириш зарурлигини кўрсатди. Келгусида корпус тилшунослиги, когнитив таҳлил, дискурс таҳлили ва рақамли гуманитар тадқиқотлардан фойдаланиш қорақалпоқ бадий тилини ўрганишнинг янги босқичини бошлаб бериши мумкин.

Адабиётлар

1. Бердимуратов Э. Ҳазирги қарақалпақ тили. Лексикология. – Нукус: Қарақалпақстан, 1994. – 286 б.
2. Саитов Д. Қарақалпақ тилининг стилистикаси. – Нукус: Билим, 2005. – 248 б.
3. Доспанов О. Қарақалпақ адабий тили тарихи. – Нукус: Қарақалпақстан, 2010. – 312 б.
4. Маслова В.А. Лингвокультурология. – 4-е изд. – Москва: Академия, 2010. – 208 с.
5. Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Москва: Гнозис, 2004. – 390 с.
6. Сыздық Р. Абайдың сөз өрнегі. – Алматы: Санат, 1995. – 208 б.
7. Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 3 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1960–1963.
8. Абдуазизов А.А. Тилшунослик назариясига кириш. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 192 б.

